O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 1 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ № 15 (26.717)

## МАСЛАҲАТ КЕНГАШИНИНГ ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ёшлар масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида Ватанимизнинг буюк келажаги тўғрисида жон куйдирувчи фуқароларимиз олдига фарзандларимизни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, йигит-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, ўз ақл-заковати, куч-қудратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароитни ташкил этишдек масъулиятли вазифани қўйди.

Юртимизда кенг қулоч ёя бошлаган Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини таъсис этиш жараёни бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга чин дилдан амалий ёрдам бериш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Айнан шу вазифалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳаётий тажрибаси ва обрў-эътибори билан юртимизда танилган, ёшлар турмуш тарзини яхши биладиган, уларнинг қалбига йўл топа оладиган сиёсатчилар, иқтисодчилар, маънавий-маърифий соҳанинг етакчи намояндалари ва ёшлар тарбиясига алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳи мақсад ва вазифалари борасида фикрлашдилар.

Маслаҳат Кенгашининг Низоми ва иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади билан чиққан ҳомий ташкилотлар рўйхати ҳам йиғилиш иштирокчилари томонидан тасдиқланди.

Ёшларнинг бу ижтимоий ҳаракати ишига маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишни истаган барча ташкилотлар учун унинг эшиклари доимо очиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

■ (ЎзА)

## «ЮЛДУЗ»ГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Мадриддаги сифат ва технология бўйича халқаро қўмитадан Оролбўйига ажойиб хушхабар келди. Амударё туманидаги «Юлдуз» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган пахта толаси «Европа Арки» халқаро олтин медалига муносиб деб топилди. Мукофот шу йилнинг 5 март куни Германиянинг Франкфурт шаҳрида топширилади.

— Ўтган йили барча кўрсаткичлар бўйича шартнома режаси бажарилди, — дейди акциядорлик жамияти раиси Камол Раҳимов. — Ишлаб чиқарилган пахта толасининг 80 фоизи Германия, Швейцария, Италия ва бошқа хорижий давлатларга сотилди. Жорий йилнинг ҳосили учун 3303 тонна уруғлик чигит тайёрлаш режалаштирилган бўлса, бугунги кунгача 2069 тонна чигит тайёрланди.

Тайёрланаётган 100-150 тонна уруғлик чигит пешма-пеш Қўнғирот, Шуманай, Кегайли, Чимбой, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари хўжаликларига жўнатилмоқда. «Оқ олтин» ширкат хўжалигидаги пахта тозалаш заводи тўлиқ қувватда ишламаётганлиги боис жамият шу заводни ўз ҳисобидан қайта таъмирлаб, уруғлик чигит тайёрлаш заводига айлантиришни мўлжалламоқда.

■ «Туркистон-пресс»

## МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

## МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

**Мунаввара ЁҚУБЖОНОВА,**
**филология фанлари номзоди**

*Ўзбекистон мустақилликка эришганига эндигина 10 кун тўлган эди. Мени ректоримиз чақириб, Москва ва Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳарларига Навоий ҳаёти ва ижодига доир маъруза қилиш учун боришим зарурлигини айтди. Мен аввалига бу бирон илмий анжуман бўлса керак деб ўйладим. Кейин билсам, Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Москва ва Ленинградда таълим олаётган республикамиз талабалари, аспирант ва докторантларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун бу сафар уюштирилган экан.*

*1991 йилнинг 20 сентябрь куни Москвада, 22 сентябрь куни Ленинградда «Навоийхонлик» ўтказилди. Ўзбекистон элчихонаси ваколатхонаси биносида Москва шаҳрида таҳсил кўраётган юртдошларимиз жам бўлишди. Мен Навоий ҳақида, унинг улуғворлиги ва абадияти тўғрисида маъруза қилдим. Навоий ижодидан намуналар ўқидим. Хонандалар Навоий ғазаллари билан қўшиқлар куйладилар, рақкосалар бу қўшиқлар оҳангига хиром этдилар. Йиғилиш якуни олдидан Москвада ҳам, Ленинградда ҳам илм толибларининг барчасига моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тариқасида пул тарқатилди.*

*Бу кечагина мустақил бўлган республикамиз Россия Федерацияси маъмурияти билан иқтисодий, молиявий олди-бердиларини аниқлаштириб олгунча илм толибларининг корига яраб туриши керак эди. Ахир, улар янги ўқув йилини бошлаш учун етиб келганларида 31 август куни эса Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди. «Навоийхонлик» шиори остида ўтган саховат сафари эса, назаримда, ажиб рамзийлик касб этар эди.*

*Алишер Навоий ҳазратлари вақф ерларидан тушган катта даромад эвазига бир қатор ободончилик ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш билан бир қаторда 22 та мадраса талабасининг барча харажатларини ўз зиммаларига олган эканлар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ ҳукуматимиз мамлакатимиз келажаги бўлган илм толибларининг ташвишини чекиб, зудлик билан ўз ҳимоясига олганида мен Навоий даҳоси, Навоий салоҳияти, Навоий меҳру мурувввати халқимга абадий ёрдам эканлигига амин бўлдим.*

*Орадан 10 йилга яқин вақт ўтди. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонимнинг иқтидорли ўғил-қизлари чет эллардаги нуфузли илм даргоҳларида давлат ҳисобидан таълим олмоқдалар.*

*1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, шу билан бирга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституциянинг алоҳида моддасида мустаҳкамлаб қўйилди.*

*Бугунги илм толибларига Навоийнинг уйғоқ руҳи, инсонпарвар ва тараққийпарвар халқимнинг беминнат мадади ҳамиша ҳамроҳ.*

## АМЕРИКАЛИК ЖАНОБ ТАДБИРКОРЛАР ҲУЗУРИДА

*Тадбиркорлар хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаяптилар. Ибратли тажрибаларни ўрганиш, маҳаллий шароитда қўллаш ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш омили бўлаётгани ҳам шундан.*

*Олтинкўл, Избоскан туманидаги тадбиркорлар билан АҚШнинг, «Вин Рок Интернейшнл» халқаро ташкилоти вакили, жаноб Стив Вилкер иштирокида ишбилармонлик, маркетинг асослари ҳақида мулоқот бўлиб ўтди.*

*Шу куннинг долзарб масалалари хусусида савол-жавоблар бўлди.*

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

СЎЗ ВА СУРАТ

*Ўтмишу келажак — бус-бутун.*
*Тарихнинг қаъридан келар садолар:*
*Набиралар бахти, камолоти-чун,*
*Яшасин дунёда ҳамиша боболар!*



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

## ҲОКИМ ВАЪДАСИДА ТУРДИ

Ўтган йилнинг бошида ўтказилган катта йиғинда Вобкент тумани ҳокими Муҳиддин Эсанов энг юқори ҳосилдорликка эришган бригада бошлиғи, ширкат хўжалиги раҳбарига «Дамас» автомашинасини текинга беришни ваъда қилганди. Яқинда туманда ўтказилган ҳосил байрамида соврин эгалари аниқланди. 51 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 62,7 центнердан ҳосил олишга эришган «Зарбдор» ширкат хўжалиги 6-бригадаси бошлиғи Баҳриддин Худойқулов ҳамда Ином Наимов номидаги ширкат хўжалиги раиси Зокир Ҳусеновга «Дамас» машинасининг калитлари топширилди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЁШЛАР – МАМЛАКАТ УМИДИ, МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

### ЧИНАКАМ ЕТАКЧИ БЎЛСИН

*«Камолот» жамғармаси ёшларга миллий истиқлол ғояларига садоқат, буюк анъаналаримизни тиклаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч руҳини сингдиришда озми-кўпми хизмат қилди. Аммо, уни яна ҳам самаралироқ, таъсирчанроқ қилиш лозим экан. Буни вақт кўрсатди. Зеро, айрим ёшларнинг ваҳҳобийлик, «ҳизбут-таҳрир» сингари халқимиз табиатига ёт, зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиши ана шу таъсир кучи, қатъиятнинг, тушунтириш, тўғри йўлга солишнинг етишмаганлиги туфайли юз бермадимикан? Шу боис Юртбошимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг уй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур»лиги ҳақидаги сўзлари ҳаракатнинг энг юқори бўғинидан қуйи бўғинлари етакчиларигача улкан масъулият юклаши табиий. Етакчилар ёшларнинг ҳақиқий маслаҳатгўйи, ҳамкори бўлиши, юриш-туриш, одоб-ахлоқ, илм-маърифатда, ишчанликда ёшларга чинакам ибрат бўлишлари даркор. Ҳар бир ёш инсон ана шу етакчиларга қараб хулоса чиқаради, ўшаларга қараб қадам ташлайди. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармайлик.*

■ **Зиёда АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг иккинчи котиби**

### АСОСИЙ КУЧ

Тўрт йилдан буён ёшларга етакчилик қиламан. Коллеж ёшлари вилоят касб-ҳунар лицейлари ва коллежлари орасида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. «Юртбошимиз асарларини ўрганамиз», «Сиз тарихимизни биласизми?», «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловларида ёшларимизнинг ўзлари ташаббус кўрсатмоқдалар. Вилоят ва шаҳар «Камолот» жамғармаси раҳбарлари «Нима иш қилаяпсизлар?» ҳам демайди. Уларнинг фаолиятини сезмаймиз ҳам.

Коллежимиз ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган ягона билим даргоҳи. Ёшларнинг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ҳамфикр, ҳамқадам бўламиз ва уларни рағбатлантирамиз.

Ёшларга барча соҳаларда эркинлик керак. Таклиф ва истакларга қулоқ солиш лозим. Йигит-қизларнинг ташаббусини бирлаштирадиган ва амалга оширадиган чинакам янги асрга мос ҳаракат ҳаётий заруратдир.

■ **Абдували ТОШБОЕВ**

## НЕГА КИТОБ КАМ ЎҚИЛМОҚДА?

**ЁКИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КУТУБХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**

Жиззах азал-азалдан маънавиятли, маърифатли инсонлар, билимдон, зукко олиму уламолар юрти бўлиб келган. Бу юртда китоб ва китобхонлик, қироатхона масалаларига эътибор ҳам шунга яраша. Шу боис бугунги кунда вилоят худудида кўплаб кутубхоналар мавжуд бўлиб, улар аҳолининг илму маърифатга бўлган чанқоғини бир қадар қондиришга хизмат қилаяпти.

— Шаҳар ва қишлоқларимизда бизга қарашли 274 та катта-кичик кутубхона ва уларнинг филиаллари фаолият кўрсатаяпти, — дейди Шароф Рашидов номидаги вилоят илмий универсал бирлашган кутубхонаси раҳбарининг муовини Муаззам Камолова. — Уларда жами 1 миллион 900 минг нусхадан зиёд китоб бор. Бу кутубхоналарга ўтган йили жами 211 минг 900 нафар китобхон аъзо бўлган.

Хўш, бир миллион аҳолиси бўлган вилоят учун бу кўрсаткич кўпми ёки камми?

— Кам, — дейди бирлашган кутубхона услубчиси Ҳафиза Қудратова. — Сабаблари эса оддий. Аввало, маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқаролар кутубхоналар фаолиятига зарур даражада эътибор қилмаяптилар ҳамда кутилгандай амалий ёрдам бермаяптилар.

Унинг бу фикрларини аксарият кутубхоналар ва уларнинг қишлоқлардаги филиаллари аҳволи ҳам тасдиқлаб тургандай. Масалан, Арнасой туманида жами 12 та кутубхона бўлиб, ўтган йили уларнинг атиги 3 тасигина наридан-бери таъмирланди холос. Айни пайтда бу кутубхоналарнинг аксарияти каталакдай тор, кўримсиз хоналарда жойлашган, уларни қишда иситиш тўғрисида гапирмасаям бўлади. Якунланган йилда туманда кутубхоналар учун атиги 121 минг сўмлик янги китоб келтирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ёхуд туман бўйича кутубхоналарда ишлаётганлар орасида биронтаям олий маълумотли мутахассис йўқлигини-чи?

Бахмал туманида эса мавжуд 36 та кутубхонадан бор-йўғи 27 таси ишлаяпти. Бу ердаги 25 та қишлоқ кутубхоналаридан биронтасиям иситилмайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳувуллаб ётган совуқ кутубхонага китобхон келармиди? Ёки Мирзачўл туманидаги 13 та, Ғаллаорол туманидаги 33 та кутубхоналарнинг биронтасиям иситилмаслиги, уларнинг ҳаммаси таъмирталаб эканлигидан ушбу туманлар ҳокимликларидаги масъул ходимлар, биринчи навбатда ҳоким ва унинг ўринбосарлари бехабар деб ўйлайсизми?

Яна бир гап. Ўтган йили вилоят бирлашган кутубхонаси бўйича жами 1 миллион сўмлик матбуот нашрларига обуна бўлинган эди. Афсуски, 2001 йил учун зўрға 196 минг сўмлик газета-журналларга обуна расмийлаштирилди, холос. Сабаби: вилоят молия бошқармаси обуна учун ваъда қилинган пул маблағини турли баҳоналар билан ўтказиб бермаган. Хўш, энди ўйлаб кўринг: одамлар нега китоб ўқимай қўйди ёки кам ўқийдиган бўлиб қолишаяпти? Балки ўқийдиган китоб йўқдир ёки бор китобларга талабгор китобхон йўқми?

Менга қолса, унисиниям-бунисиниям айтгим келади. Аввало, вилоят бўйича кутубхоналарнинг китоб фонди анча қашшоқ. Ахир, 2000 йилда катта бир вилоятдаги кутубхоналар ҳаммаси бўлиб 11 минг 662 нусха китоб билан бойиганлиги шундан далолат эмасми?

ОЧИҚ ГАПЛАР

Қолаверса, оилавий китобхонлик, уйда китоб мутолаа қилиш сингари ота-боболаримиздан қолган гўзал удум ва анъаналар ҳам вилоятда бир қадар эсдан чиққандай туюляпти. Бугун китоб ўқимайдиган ёки жуда кам ўқийдиган, китобга нописандлик билан қарайдиганлар сафи кўпайиб кетгандай. Балки, ёшлар китоб ва қироатхонлик ўрнига телевидение ҳамда видеога ўтиб олишаётгандир, дерсиз. Нима бўлгандаям, китобсиз яшашни тасаввур қилиш қийин.

Атрофда бўлаётган ишларга теранроқ разм солсангиз, бир қизиқ ҳолатни кўриш мумкин. Кейинги йилларда вилоятдаги шаҳар ва туманларда бири-биридан қолишмайдиган бозорлар, салобатли бинолар, муҳташам дўконлар барпо этилди. Бироқ, улар қаторида биронтаям кутубхона йўқ. Бу ҳолат ҳам кишини ўйлантириб қўяди, албатта.

Китоб — билим манбаи, ақл чироғи. У кирган хонадонга илму маърифат киради, у дилларга зиё бахшида этади. Шундай экан, китоблар хазинаси, маърифат маскани бўлган кутубхоналар фаолиятига, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш масаласига асосий масалалардан бири деб қараш жоиздир.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## BU dunyoning ishlari

### ЭЛЕКТР НАРХИ КЎТАРИЛАДИ

***Яқинда Украинада аҳоли учун электр энергияси ҳақи бир ярим баробар ошиши мумкин. Соҳа вакилларининг айтишича, саноат корхоналаридан кўра аҳолини электр қуввати билан таъминлаш учун кўпроқ харажат қилинади. Шу боис электр энергияси бўйича миллий комиссия март ойига қадар бу борада янги тариф жадвали тузиб чиқишни режалаштирган.***

### МУХОЖИРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Малайзия полицияси Кланг портида 55 нафар индонезиялик ноқонуний мухожирни қўлга олди. Бундай воқеа биринчи бор юз бераётгани йўқ, деди денгиз патрули бошлиғи. Хабарларга кўра, айни пайтда мамлакатда Индонезиядан ноқонуний равишда кириб келган ўн минглаб мухожир яшайди.

### ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

***Жаҳон озиқ-овқат дастури Шимолий Кавказ минтақаси аҳолисига жўнатилаётган инсонпарварлик ёрдами миқдорини кўпайтирмоқчи. Хусусан, жорий йилда Ингушетия ҳамда Чеченистоннинг ўзида яшаётган қочқинлар учун баҳоси 24 миллион АҚШ долларига тенг инсонпарварлик ёрдами жўнатилади. Ҳозир ушбу ҳудудларда уч юз мингдан ортиқ қочқин бор.***

### РЕЗОЛЮЦИЯНИ БАЖАРИШГА ЧАҚИРДИ

Хитойнинг БМТдаги вакили Шэн Гофан дунё мамлакатларини Хавфсизлик кенгашининг Сьерра-Леонедан олмос сотиб олишни тақиқлаш ҳақидаги резолюциясини бажаришга чақирди. Унинг айтишича, Либерия ҳамда яна бир неча давлатлар халқаро ҳужжатда қайд этилган қоидаларни бузиб, олмос эвазига Бирлашган инқилобий фронт жангариларига қурол-яроғ етказиб беришда давом этмоқда. Натижада Сьерра-Леоне ҳукумати билан мухолиф кучлар ўртасидаги зиддият янада кучаймоқда.

### АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛДИ

***Бельгия билан Шимолий Корея ўртасида расман дипломатия алоқалари ўрнатилди. Бу ҳақда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари вакиллари битим имзолади. Улар тез кунларда элчилар алмашишга келишиб олди.***



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

## ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

«Шўрчимебель» ҳиссадорлик жамиятида бугунга келиб 30 турдан ортиқ сифатли ва бежирим мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Харидор дидига мос равишда тайёрланаётган шкаф, тошойна, китоб жовони, хизмат хоналари учун ёзув столлари ҳам асло хорижникидан қолишмайди.

Корхонада 2000 йилда 45 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 50 миллионга етказиш кўзда тутилган.

Ҳозирда мамлакатимиз бозорларида сотилаётган «Шўрчимебель» мебелларини келажакда экспорт қилиш режалаштирилган.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## «ЎЗБЕГИМ» ИШ БОШЛАДИ

Марҳаматлик тадбиркор Ҳанифахон Ҳайдарова бюджетдан ташқари ижтимоий ҳимоя ва бандлик фондининг 540 минг сўмлик имтиёзли кредитини олиб, «Ўзбегим» кўп тармоқли фирмасини ташкил этди.

Дастлаб у чорвачилик билан шуғулланди. Ишга қабул қилинган олти киши ғайрат билан меҳнат қилиб, кўнгилдагидек натижаларга эришдилар. Тадбиркор қарзидан ўз вақтида қутилди. Туман меҳнат биржаси унинг янги кредит ҳақидаги илтимосига ишонч билан ёндашди. Ажратилган 4 миллион сўм янги иш бошлашга, яъни тикувчилик цехи очишга имкон туғдирди. Энди Ҳ. Ҳайдарова ишга ўзининг 20 нафар ҳамқишлоғини таклиф этди. Улар учун энг янги «Пфафф Зингер»лар сотиб олинди. Ҳар куни янги корхонада катталар ва болалар учун ўнлаб ҳар хил турдаги кийимлар тикилмоқда. Маҳсулот харидорлар орасида катта эътибор қозонмоқда.

Ҳ. Ҳайдарова каби ишбилармонларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли туман меҳнат биржаси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини муваффақият билан ҳал қилмоқда. Ўтган йили туман маркази ва қишлоқларида 1100 дан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилди.

■ **«Туркистон-пресс»**

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Шаҳар, туман кенгашлари биринчи котибларининг Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан ўтказилган, семинарида партия ташкилотларининг ёшлар билан олиб бораётган фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

Партия Хоразм вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» клубининг навбатдаги машғулоти ёшлар иштирокида бўлиб ўтди. Йиғилганларнинг эътибори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясида қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳамда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганиш масалаларига қаратилди.

* * *

Наманган шаҳар партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

Унда М. Шарипова, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. А. Умаров Наманган шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

* * *

Партия Олтиариқ туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда, Б. Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди, А. Мирзамаматов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

* * *

ХДП Косон шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий мунозара» клубининг навбатдаги машғулоти, «Конституция — келажак кафолати» мавзуида, бўлиб ўтди.

* * *

ХДП Андижон шаҳар ташкилотларида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган, тадбирлар ўтказилмоқда.

* * *

ХДП Булоқбоши туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинарини ўтказди. Семинарда партия Андижон вилоят кенгашининг котиби А.Носиров ва Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ш. Ҳайдаров қатнашдилар.

* * *

Наманган туман партия кенгаши, 21-гимназияда, «Хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммолари» мавзуида, «давра суҳбати»ни ташкил этди.

* * *

ХДП Марҳамат туман партия кенгаши йиғилишида, бошланғич партия ташкилотларининг 2001 йилдаги вазифаларини белгилаш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилишга оид, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Хонобод шаҳар кенгаши, «Олимпиада умидлари» кўрик-танловига бағишланган, учрашув ўтказди. 500 дан ортиқ ёш спортчилар қатнашган бу тадбирда кўрик-танлов шартлари белгиланди. Учрашувда партия Хонобод шаҳар кенгашининг биринчи котиби О.Нажмиддинов, «Ёшлар — Ватан келажаги» мавзуида, маъруза қилди. Тадбир шаҳар ҳокимлиги спорт қўмитаси билан биргаликда ўтказилди.

* * *

ХДП Жалақудуқ туман партия кенгаши ташаббуси билан «Оқила қизлар» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Бу тадбирни ўтказишда Ёрқишлоқ, Жалақудуқ, Ойим қишлоқлари худудий бошланғич партия ташкилотлари намуна бўлмоқдалар.

* * *

Урганч туманидаги С.Қаландаров номли жамоа хўжалиги клубида, «Ғойбу» қишлоғи ёшлари иштирокида, ёшларни диний экстремизм ва турли салбий оқимлар таъсиридан сақлаш, жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган, учрашув бўлиб ўтди. Унда Урганч тумани ҳокими ўринбосари И. Абдуллаев, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ш. Раҳимов, ХДП туман кенгаши биринчи котиби Х. Ваисчанов, «Камолот» жамғармаси туман бўлими раҳбари М. Очилова, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Г. Бекмуратовалар сўзга чиқдилар. Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув якунида, «Гиёҳвандлик — аср вабоси» номли, видеофильм намойиш этилди.

* * *

ХДП Асака шаҳар кенгаши, Алишер Навоий таваллуд топган куннинг 560 йиллигига бағишланган, «Барҳаёт Навоий» мавзуида, маданий-маърифий тадбир ўтказди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгаши ташаббуси билан, барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича, «ҳуқуқий дарсхона»лар ташкил этилмоқда.

* * *

«Конституция — яшаш ҳуқуқидир» мавзуида, ХДПнинг Янгиқўрғон туманидаги бошланғич ташкилотларида, «давра суҳбат»лари бўлиб ўтмоқда.

* * *

ХДП Норин туман кенгаши, «Камолот» жамғармаси туман бўлинмаси билан биргаликда, «Наркотик моддаларсиз турмуш» шиори остида, эркин кураш бўйича, спорт мусобақаларини ташкил этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**





*Пахтаобод тумани маркази — Кўқонқишлоқ шаҳарчаси кундан-кунга чирой очмоқда. Айниқса, Пахтаобод туман «Матлуботсавдо» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу хайрли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.*

*Айни пайтда жамият тасарруфида фаолият кўрсатаётган иккита минимаркет, савдо маркази, ошхона, ресторанлар шаҳарча кўркига кўрк қўшиб турибди.*

*Яқинда пахтаободлик матлуботчилар Кўқонқишлоқ шаҳарчасида 1600 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган янги озиқ-овқат савдо дўконини ишга туширдилар. Замонавий қурилган бу савдо дўконида барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари мавжуд. Сотувчилар кунига 100 минг сўмлик савдо қилмоқдалар. Туман аҳли сотувчиларнинг намунали хизматидан мамнун.*

<u>Суратларда:</u> *янги ишга тушган озиқ-овқат дўкони.*

■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

ХАТЛАР, ХАТЛАР

## ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ, БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

«Пахтабанк»нинг халқимиз манфаатини кўзлаб қилаётган ишлари менда катта қизиқиш уйғотди.

Тома-тома кўл бўлур деганларидек, пуллар ҳаракатда бўлиб яхшигина фоизлар эвазига бир жойга тўпланиб халқ хўжалиги ривожига хизмат қилса яхши-да.

«Пахтабанк» маъмурияти «Нафақа» жамғармасини ташкил қилиб ажойиб бир ишга қўл урибдилар. Омонатга маблағини қўйиб йиллик 50 фоизгача ой сайин ўз ҳиссасини олиб турган пенсионерлар ҳамда ногиронлар бундан мамнун. Ана шундай омонатчилар қаторида мен ҳам бўлиб, ўз дилимдагини қоғозга туширишга ва бу эзгуликни биргаликда баҳам кўришга жазм қилдим.

Ёшим бир жойга бориб қолган. Бироз жамғармага эга бўлганим ҳолда асосан пенсия ҳисобидан яшаймиз. «Пахтабанк» фаолиятидан хабар топиб, ҳаракатда бўлмаган жамғармамни «Нафақа» омонатига қўйиб, ҳар ойда фоизини олиб, коммунал хизматга тўланадиган бир йиллик хизмат ҳақини олдиндан тўлаб, бу соҳада нарх-навонинг ошиб бориши бизга таъсирини кўрсатмайдиган бўлди, натижада, агар ишонсангиз тоғдек юк елкамдан тушиб ўзимда ажиб бир енгиллик сездим. Қулай имконият, беғараз ёрдам деганлари шу эмасми?

«Нафақа» жамғармасини ташкил қилиб, халқимизга беминнат хизмат қилаётган «Пахтабанк» ходимларига миннатдорчилигимни билдираман.

■ **Жаҳонгир АБУБАКИРОВ, I гуруҳ ногирони**

# «ШАРОБ» ОПЕРАЦИЯСИ

## ДАВОМИДА 44 ТА ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Давлат солиқ қўмитаси солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ходимлари ўтказган «Шароб» операцияси бир ярим ой давом этди.

«Шароб» операцияси давомида амалга оширилган тезкор-қидирув тадбирлар натижасида ноқонуний йўллар билан ишлаб чиқарилиб сотилаётган 67 миллион 573 минг сўмлик спирт ва спиртли ичимликлар олиб қўйилди. Қонунбузарларга нисбатан 44 та жиноят иши қўзғатилди, 108 та ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича эса суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Қонунбузарларнинг бири Булунғур шаҳар Ф.Йўлдош кўчаси, 3-«А» уйда истиқомат қилувчи Нуринисо Ашурова бўлиб чиқди. У келини Наргизанинг ёрдамида фуқаро Иброҳим Абдуллаевга 220 литр спиртни 407 минг сўмга, 1000 дона ароқ қопқоғини 16 минг сўмга, 200 дона бир хил рақамли қалбаки акциз маркани 1600 сўмга ва 400 дона ароқ ёрлиқларини 2400 сўмга сотаётган пайтида қўлга тушди.

Тезкор тадбир жараёнида Нуринисо ва Наргиза Ашуровалар тақиқланган тадбиркорлик фаолияти билан мунтазам шуғулланиб келаётганликлари тасдиқланди. Улардан сотишга тайёрлаб қўйилган 97 литр спирт ва 700 дона ароқ қопқоқлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ва тезкор ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Тезкор ходимлар Булунғур туманидаги «Булунғур-1» акциядорлик жамияти омборхонасини текширувдан ўтказганларида спирт ректификатидан салкам икки миллион сўмлик камомад чиқди. Дастлабки суриштирувлар давомида бу ерда шаклланган жиноятчи гуруҳ аъзолари вино хомашёсини қайта ишлашга сарфланадиган спирт ректификатидан уриб қолиб, ҳосил бўлган ҳисобсиз спиртни ноқонуний йўллар билан аҳолига сотиш билан шуғулланиб келганликлари маълум бўлди. Айни пайтда жамоа хўжаликларидан қабул қилинган узумлар ҳам қисман кирим қилинмай қувватсиз винолар ишлаб чиқаришда фойдаланилган. Шу тариқа омборхонада 20,5 миллион сўмликдан кўпроқ ҳисобда йўқ маҳсулотлар йиғилиб қолган. «Булунғур-1» акциядорлик жамияти раҳбари Носир Камолов шу мақсад йўлида жиноий гуруҳ аъзоларини рағбатлантириб келган.

Носир Камолов вино заводи бош бухгалтери И.Тошбеков билан тил бириктириб кўп «операция»ларга бош-қош бўлганлиги текширув пайтида аниқланди. Шундай «операция»ларнинг бири 2000 йилнинг 21 октябрида ўтказилди. Ўша куни 40-сонли ҳисоб варақаси асосида 6 миллион 380 минг сўмлик 11,6 тонна узум шарбати завод ҳудудидан олиб чиқиб кетилган эди. Узум шарбати белгиланган манзилга етмаёқ юк хатлари нусхаси йўқ қилиниб, тегишли маблағ ўзлаштириб юборилди.

Яна бир «операция»дан сўнг жиноий гуруҳ аъзолари 1 миллион 209 минг сўмни бўлиб олишди. Носир Камолов бу гал омбор мудири М. Тоиров билан «Самарқанд узумлари» фирмасидан олинган эҳтиёт қисмлар ва полиэтилен плёнкасини завод ҳисоботларига кирим қилиб, орадан бир кун ўтгач, 2000 йил 14 декабрь куни 84-сонли юк хатига асосан 1 миллион 209 минг сўмлик бу эҳтиёт қисмлар ва плёнкани Булунғур тумани «Ғалаба» ширкат хўжалигига чиқим қилишади. Лекин олиб борилган суриштирув жараёнида юқоридаги товарлар ширкат хўжалигига берилмаганлиги, ҳисоб варақаси ва ишонч қоғозини сохталаштириш йўли билан ўзлаштириб юборилганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича Самарқанд вилояти прокуратураси тергов ҳаракатларини бошлаб юборди.

Сурхондарё вилояти бўйлаб ўтказилган тезкор тадбирларда ҳам кўп қонунбузарликлар аён бўлди. Текширув ўтказилган куни «Денов вино-ароқ» заводида 7 миллион 118 минг сўмлик спиртли ичимликлар камомади, «Денов шароб-ароқ» акциядорлик жамиятида эса акциз маркасиз 4 миллион 58 минг сўмлик спиртли ичимликлар мавжудлиги аниқланди. «Сурхоншароб» улгуржи савдо базаси ҳамда «Саидов Абдуғани ва бошқалар» номли спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган акциядорлик жамиятидаги акциз маркасиз беҳисоб ароқ-винолар ҳам тезкор ходимларни ҳайрон қолдирди.

Республика миқёсида спирт ва спиртли ичимликларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатлари ҳамон мавжудлиги учун ҳам тезкор ходимлар бу йўналишдаги операцияларни давом эттиришни режалаштирмоқдалар. Шундай экан тўғри яшаб, тўғри меҳнат қилиш ҳар бир кишининг шиорига айланмоғи керак.

■ ***Жасур НОСИРОВ,* Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси**

# ЭКСПЕРТИЗА

## Судларга юқоридагидек хулосани берган

Ўша куни қишлоқда тўй бўлган эди. Синглисининг тўйидан кейин Комилжон Отабоев қўшниси Баҳром Ортиқовларникида меҳмон йигит Комилжон Ғозиев ҳамда унинг ўртоғи билан яна ўтиришди. Бироз ичишди ҳам. Базмга амакисининг «Тико»сини миниб келган Қаҳрамон Шокиров ҳам қўшилди. Уйдаги базмдан қониқишмади шекилли, тўртала йигит «Тико»га ўтириб қишлоқ пастидаги Селгасой чойхонасига жўнашди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Отабоевлар хонадонига совуқ хабар келди: «Авария бўлишибди. Комилжоннинг аҳволи оғир...»

Комилжон Поп туман марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимида бир кун ётиб вафот этди. Қишлоқда яна бир гап шов-шув бўлди: «Рулда ўша куни Қаҳрамон эмас, Комилжон бўлган экан. Мастлиги туфайли йўл четидаги дарахтга урилибди. Машина пачоқ бўлиб кетган эмиш...»

Бу миш-мишларга ҳатто Отабоевлар хонадони ҳам кўнди. Лекин ҳалокат сабаб фақат уларнинг фарзанди жароҳат олган эди. Тўғри, Баҳром ҳам шикастланган, лекин унинг жароҳати оғир эмас. Қолаверса, Баҳром воқеа содир бўлган ўша машъум тундаёқ воқеа жойига етиб келган туман ИИБ терговчиси Б.Мирзаҳмедовга «рулда Комилжон эди» деб айтади. Бунинг устига «Тико»нинг чап томонидан шикастланиши, буфернинг пачоқ бўлиб ичкарига кириб кетганлиги худди Комилжоннинг жароҳатига мос — унинг чап оёқ болдири синган, кўкрак қафаси лат еган, бошида ёриқ бор. Шунинг учун рулда машина эгаси Қаҳрамон эмас, Комилжон бўлганлигига Отабоевлар ҳам, бутун қишлоқ аҳли ҳам чиппачин ишонди. Ўз ўлимига ўзи сабабчи бўлибди, деган хулосага келди ҳамма. Терговчи ҳалокат ҳамда Отабоев Комилжон вафоти билан боғлиқ жиноят иши қўзғатишликни ўз қарори билан рад қилди. Отабоевлар кўргулик деб тақдирга тан беришди, маъракага тутиндилар. Биласиз, ўзбекчиликда 7, 20, 40 деганларидек...

Азадор хонадонга марҳумнинг еттиси ўтар-ўтмай Баҳромнинг акаси кириб келди. Ҳаммани ҳанг-манг қилган ушбу хабарни айтди: **«Ўша куни рулда Комилжон эмас экан. Комилжоннинг аҳволи оғирлигини кўриб Қаҳрамон «ҳаммамиз рулда Комилжон эди деймиз. Айтмасаларинг қочиб кетаман, ўзларингга қолади» деб қўрқитибди. Укам қўрққанидан терговчига рулда Комилжон эди деган экан».**

Поп туман прокурори В. Раҳимбоев жиноят ишини қўзғатишликни рад қилиш ҳақидаги терговчи Б. Мирзахмедовнинг қарорини 20 сентябрь кунги қарори билан бекор қилиб, ишни қўшимча терговга қайтаргандан кейин Отабоевлар хонадони яна бир нарсага ҳанг-манг бўлишди — Комилжон суд-тиббий экспертизасидан ўтказилган эмиш. Поп туман суд тиббий эксперти Ш. Саттаров «Марҳум Отабоев К.нинг жароҳатлари жойлашишига, характерига, тузилишига, шаклига, катта-кичиклигига қараганда кўпроқ бу жароҳатлар автомашинада ҳайдовчи оладиган жароҳатларга хос» деб хулоса берган экан.

1

Худди мана шу нарса Отабоевларни рулда Комилжон ўтирмаганига ишонтирди. Негаки, Комилжоннинг жасадида бошининг орқа тарафидаги ёриқдан бошқа бирорта жойида тиғ изи йўқ. Ҳатто Комилжоннинг жасадини ювиб пок қилган Аббосов Турсунхон ҳамда Холмирзаев Турсуналилар юқоридаги хабарни эшитиб «Астағфируллоҳ» деб юборишди.

Марҳум унинг устидан нима ҳукм ўқилса билмайди, эшитмайди. Лекин тирикларнинг кўзи очиқ, қулоғи эшитади. Тиғ тегмаган танани ўликхонада тиббий кўрикдан ўтказилди, деб қандай айтиш мумкин? Бунга қандай чидаса бўлади? — Отабоевларни ларзага солган нарса юқоридаги саволлар бўлди.

Қўшимча тергов тугаллаяиб, ишни Поп туман суди раиси К. Канаев (12.02.99 й.) кўриб чиқди. Суд Шокиров Қаҳрамонни ЖКнинг 261-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган деб топиб, уни 3 йил озодликдан ва транспорт ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилди. 1998 йил 1 декабрь кунидаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармон қўлланилиб, судланувчи белгиланган жазони ўташдан озод қилинди. Туман суди ҳам, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси ҳам жабрланувчи Отабоевларнинг даъвосини ҳамда Баҳром Ортиқовнинг «рулда Комилжон эмас, Қаҳрамон эди» деб берган кўргазмасини битта нарсага асосланиб рад қилишди: тиббий экспертиза ўтказилган. Унинг хулосаси Отабоев Комилжоннинг рулда ўтирганлигини тасдиқлайди. Агар рулда Қаҳрамон Шокиров ўтирганда эди, у жароҳат олиши керак эди. Чунки «Тико» чап томони билан дарахтга урилган.

Экспертиза ўтказилмаган деган даъвога келганда эса... «бу ҳақда Отабоевлар ҳеч нарса дейишмади» деди судья Канаев. Ҳақиқатан иш материалларида бундай даъво йўқ. Лекин жабрланувчиларнинг айтишича, судья уларни гапиртиришга қўймаган. Улар гапиртирилмаганидан кейин бундай даъво қаердан бўлиши мумкин?!

Марҳумнинг жони 22 август тонги соат 3.55да узилади. Комилжон ҳаёт билан видолашганда ёнида опаси Отабоева Санобар бўлган. Бино ташқарисида эса акаси Отабоев Ислом ва поччаси Машкуров Қурвоналилар бор эди. Отабоев Ўролбой, Отабоев Тоҳир, Отабоева Санобар ва «тез ёрдам» ҳайдовчиси Ғаниев Долибойларнинг

2

## ПРЕЗИДЕНТ БАЁНОТ БЕРДИ

*Филиппинда «ҳукуматга қарши кучлар тез орада давлат тўнтаришини амалга оширмоқчи», деган миш-мишлар тарқалгани сабаб мамлакат президенти Глория Макапагал Арройо маҳаллий телевидение орқали баёнот беришга мажбур бўлди. У хавотирга ўрин йўқлиги, ҳукумат ўз душманларидан ҳимояланишга, керак бўлса, уларнинг жазосини беришга қодир эканини айтди. Шу билан бирга, у ўз мухолифлари билан тинчлик ва бирдамлик битими тузишга ҳам тайёр эканлигини билдирди.*

## БАНКДА ПОРТЛАШ

Франциянинг Ницца шаҳридаги «Креди агрикол» банки биносида портлаш юз берди. Жароҳатланганлар йўқ. Фақат бинога ва атрофдаги уйларга жиддий зарар етди, холос. Банк эшиги яқинига динамит ким томонидан қўйилгани ҳали номаълум. Полициячилар ушбу жиноятни корсикалик миллатчилар уюштирган бўлиши мумкин, деб гумон қилаётир.

## ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТМОҚДА

*Россия қуролли кучларининг Косовода хизмат қилаётган ҳарбийлари орасида «Болқон синдироми» касаллигига чалинганлар ҳозирча аниқлангани йўқ. Россиялик мутахассислар ҳозир Босния ва Герцеговинадаги ҳарбий қўшинларни ҳам тўла тиббий кўрикдан ўтказмоқда.*

## ҚЎРИҚХОНАЛАР КЎПАЯДИ

Хитой пойтахти маъмурияти ва ўрмон хўжалиги қўмитаси Пекиндаги қўриқхоналар ҳудудини кенгайтириш ва янгиларини барпо қилишга келишиб олди. Ҳозир Пекинда ўн саккизта қўриқхона мавжуд. 2005 йилга қадар уларнинг сони ўттизга етказилади.






СЕУЛ ШАҲРИ КЎРИНИШИ

# ИЛОН ОВЛОВЧИ



*Биз Индонезия пойтахти — Жакартадан Богор шаҳри томон йўлга чиқдик. Кетаётганимизда ҳайдовчи тўсатдан машинани тўхтатди. Тўхтатмаса ҳам бўлмас экан. Қаршимиздаги ҳақиқий мўъжизани кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик.*

*Уй олдидаги ҳовлида ўсган каттакон кокосли пальмага улкан бўғма илон — питон чирмашиб олиб, жон-жаҳди билан дарахтни силкитар, унинг ёнғоқлари эса «тўп-тўп» ерга ёғиларди.*

*Пальмадан анча нарида похол шляпа кийган киши дирижёрга ўхшаб қўл силкитиб «Тепароққа, тепароққа», деб имо-ишора қилар, қичқирарди. Питон ишни бир зум ҳам тўхтатмасдан кокоснинг юқорисига ўрмалай бошлади.*

*Қўрқа-писа уйга яқинлашиб, илоннинг «хўжайини» билан танишдик. У профессионал илон овловчи Саржито Куснади экан. Ўрта бўйли, сийрак тишли, ёноқ суяклари туртиб чиққан, кўпчилик индонезияликларга ўхшаб қотмадан келган. Саржито ўзи ҳақида сўзларкан, ноқулай бўлиб миийғида кулади.*

*— Ҳа, илонларнинг хулқ-аворини билмай туриб, уларни овлаш хатарли иш. Бу менга ота касб. У жуда уста илон овловчи эди. Биз кўпинча Саранган атрофларига овга борардик. У ерларда олачипор кўзойнакли илон (кобра)лар кўп бўлади. Бир куни биз овдан элликта кобра териси билан ана шу питонни олиб келдик. Ўшанда у кичкинагина ёш питон эди, энди бўлса, узунлиги саккиз метрга, ёши эса ўн тўртга етди.*

*— Уни қандай ўргатдингиз?*

*— Ёш питон одамга жуда тез ўрганади. Уни бошқа ҳайвонларга ўхшаб ўргатиш, яъни дрессировка қилиш кифоя. Бир дақиқа, жаноблар, ҳозир у дарахтни синдиради.*

*Саржито қўлига таёқ олиб, пальма дарахтига бир неча бор уриб тақиллатди. Дарҳақиқат, питон дарахтни шу қадар қаттиқ силкитдики гўё дарахт синиб кетадигандек эди.*

*— Бўлди, Самудра! Бас қил, эшитаяпсанми?! Бўлди деяпман! — хўжаси таёқ билан дўқ қилиб қўйди.*

*Питон истар-истамас пастга сирғалиб туша бошлади.*

*— Нима, у сизни эшитадими?, — ҳайратланиб сўрадик. — Айтишларича, барча илонлар кар бўлишар экан-ку.*

*— Билмадим. Бўлиши мумкин. Мен одатда доимо дарахтга таёқ билан уриб тақиллатаман. Бу тақиллатишдан ҳосил бўлган зириллаш дарахтнинг юқорисига етиб боради, албатта. Бу дириллашни питон ўз гавдаси билан сезмаслиги мумкин эмас. Менимча, у барча буйруқларимни эшитади.*

*Питон пастга ўрмалаб туша бошлаши билан биз уй томонга аста-секин чекина бошладик.*

*Саржито кулди.*

*— Қўрқманглар, Самудра сизларга тегмайди. Ҳозир кўрасизлар, у ерга тушиши билан ҳув анови бостирма тагига ўз — ўрнига боради. У ерда уни емиши — қуён кутмоқда.*

*— Меҳнатга яраша мукофотми?*

*— Ҳайвонлар шундай яралганки, уларга доимо адолат юзасидан ёндошмоқ зарур. Улар ҳамма нарсани сезишади, ҳис этишади. Қаранглар, у ерга тушди.*

*Ҳақиқатдан илон ўзини худди хўжаси айтганидек тутди. Бизларга эътибор ҳам бермай, бурала-бурала ўтларни шитирлатганча, пальма баргларидан ясалган бостирма тагидаги каттакон ёғоч қафас томонга кетди. Барибир бу баҳайбат махлуқ ёнида туриш ваҳимали эди.*

*— У йўлга чиқиб кетмайдими? — дея сўрадик.*

*— Бунга йўл қўйиб бўлмайди.*

*— Тунда ёки сиз уйда бўлмаган пайтда-чи?*

*— Ахир, у қафасда-ку. Мабодо мен овда бўлсам, уни хотиним фақат эрталаблари сайр қилишга қўйиб юборади. У гоҳ қуёшда, гоҳ сояда судралиб юришни хуш кўради. У ҳаммадан кўра кўпроқ катта ўғлимга қулоқ солади. Чунки, улар тенгдош-да. Сутанта ҳатто уни рақс тушишга ҳам мажбур қила олади.*

*Саржито питонларни қандай овлашни гапириб берди.*

*Энг аввало у хўрак учун гўшт топар экан. Сўнг хўрак ёнидаги дарахтлардан бирида ўзига пистирма ясаб оларкан.*

*— Баъзида ўлжани узоқ кутишга тўғри келади, — дейди у. — Бир, икки сутка кутасан, аммо питондан дарак йўқ. Умидсизликка тушмаслик даркор. Тажрибали овчи ўз пистирмасини ҳеч қачон ташлаб кетмайди. Эртами, кечми питон албатта келади. У хўракка бирданига ташланмайди. Ётади, қарайди, эринчоқлик билан аста-секин юта бошлайди.*

*Ютиб бўлгунчаям бир неча соат вақт ўтади. Сўнг худди шундай ялқовлик билан пирамида мисоли кулча бўла бошлайди. Мана, ниҳоят у тайёр бўлди. У ҳалқага ўхшаб ўралиб-ўралиб, тепасига бошини кўндаланг қўйиб, кўзларини юмади. Овқатни ҳазм қилиш учун уйқуга кетади. Энди пистирмадан чиқса бўлади.*

*Шамолнинг йўналишини аниқлаб, овчи ўта эҳтиёткорлик билан питонга яқинлашади. Ҳидни сезмаслиги учун шамол овчининг юзи томонга эсиши лозим. Бўлмаса ҳолингизга маймунлар йиғлаши турган гап. Бу танбал махлуқ яшин тезлигида сизга ташланиши мумкин.*

*Хўракка бир вақтнинг ўзида ҳам питон, ҳам йўлбарс келиб қолганлигига Саржито гувоҳ бўлган. Йўл-йўл йиртқич эс-ҳушини йиғиб олмасдан бўғма илоннинг «пўлат исканжа»сига тушиб қолди. Саржито, қайси томон ғолиб чиқаркин, дея уларнинг олишувига халақит бермай пистирмадан кузатиб тураверади. Кураш беш соатга яқин давом этди. Барибир питон йўлбарсни маҳв этди.*

*— Питонни пистирмадан туриб отса ҳам бўлади, — гапида давом этди Саржито. — Аммо питоннинг калласига қарата отилган ўқ унинг кулча бўлиб ётган танасига ҳам албатта тегади. Бу овчининг ҳамёнига зарар. Негаки, илма-тешик бўлган тери бутунига қараганда анча арзон туради.*

*Шунинг учун Саржито милтиқ ўрнига тўппонча билан ов қилишни ёқтиради. У чап қўлига бахмалдан тикилган юмшоқ қўлқоп кияди-да, питонга яқинлашиб аста-секин тепадаги «ҳалқа»ни силай бошлайди. Доимо бир хил ҳаракат билан бошидан дум томонга қараб силаш лозим. Юмшоқ қўлқоп питонни тўйиб овқат еганидан ҳам қаттиқроқ уйқусини келтиради. Питон ҳузур қилиб, қимирламасдан ётади. Икки-уч дақиқадан сўнг Саржито секингина унинг бошини кўтариб, танасидан четроққа олиб чиқади.*

*Ўқ варанглайди ва шу заҳоти овчи илондан иложи борича ўзини узоқроққа отади.*

*Ҳозиргина ҳаракатсиз ётган питон гавдаси кўз очиб-юмгунча тўғри бўлади ва жон талвасасида қутириб думи билан атрофни айлантириб ура бошлайди. Бу пайтда унинг ҳар бир теккан зарбаси отни тил торттирмай ўлдиради.*

*Саржито гапираркан кулиб қўйди:*

*— Ҳечқиси йўқ, мен ўрганиб кетганман.*

*— Ҳечам қўрқинчли эмасми?*

*У уялинқираб елка қисди.*

*— Бироз албатта. Аммо мен доимо хотинимни барча питонлар бизнинг Самудрага ўхшаган ювош дея, ишонтиришга ҳаракат қиламан.*

■ **Хорижий манбалар асосида Абдурасул ЖУМАҚУЛ тайёрлади.**

ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

# ЯНА БИР ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Кейинги 10-15 йил мобайнида Ҳиндистон маълум маънода кўпроқ тилга олинадиган бўлиб қолди. Унга асос бор, албатта. Боиси 15 йил муқаддам шахматнинг илк ватани — Ҳиндистонда ғалаба қучиб қайтган дастлабки ўзбек гросмейстери — шахмат осмонида чарақлаган Георгий Аъзамовнинг сўзлари ҳамон ёдимда.

— Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри, шахмат марказларидан бири бўлиб қолади чамамда, — деган эди у.

Аъзамов бир қанча мамлакатлардан келган иштирокчилар орасида ғолиб чиққанлиги ҳақида кам гапириб, учинчи совриндор, 16 ёшли ҳинд шахматчиси Анандни роса мақтаган, ундан ажойиб шахмат устаси чиқишига умид билдирган эди. Камгап Жорж бежиз куюнмаган экан. Йиллар ўтиб, Ананд жаҳоннинг 15-чемпиони бўлиб турибди.

Калькутта халқаро турнири анъанага айланиб, ҳар йили ўтказилмоқда. Ғолиблар орасида вакилларимиздан Александр Ненашев ва бошқалар бор. Айниқса, Ананднинг кейинги ўн йил мобайнида эришган муваффақиятлари ҳиндистонликларда шахматга бўлган муҳаббатни ошириб юборди. Эндиликда бу мамлакатда, айниқса, ёшлар мусобақалари ўтказишга аҳамият катта. Хусусан, кичик ёшдаги шахматчиларнинг Осиё биринчлиги ҳам шу ерда ўтказилди. Бу сафаргиси шахматчиларимиз учун қутлуғ бўлди. 10,12,14 ёшгача бўлган ўсмир ва болалар баҳсларида қатнашган вакилларимиздан тошкентлик спорт усталигига номзод Темур Галиев юксак натижа — 9 имкониятдан 6,5 очко жамғариб 14 ёшгача бўлган тенгдошлари орасида Осиё чемпиони бўлди ва ФИДЕ шахмат устаси унвонини олди. Ундан олдин бундай шарафга 12 ёшлилар орасида Антон Филиппов, 16 ёшлилар Иброҳим Ҳамроқулов билан Ольга Сон эришган эдилар. Темурдан бошқа яна бир вакилимиз — жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова эса бронза медалига сазовор бўлди.

— Шу йил ёзда Испанияда ўтадиган жаҳон биринчилигига йўлланма ололсам, — дейди Юлдуз, — яна ҳам дурустроқ натижа кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Гапда ва шахматда ҳам ўзига хос чаққон, Юлдузнинг отаси Ойбек Ҳамроқулов эса вилоятда шахматни кенг тарғиб қилаётгани билан эътибор топиб турибди.

■ **Мамажон МУҲИДДИНОВ**




*Сиз қандай ўйнардингиз?*
**(Диаграмма)**
***Оқлар бошлаб, ютади.***

САЛОМАТЛИК САНДИҒИ

# ЙЎТАЛ ҲАҚИДА

Йўтал организмнинг, хусусан нафас аъзоларининг ҳимоя функцияси бўлиб, бронх ва ўпка табиатига мос келмайдиган ёт моддаларни ташқарига чиқариб ташлашдан иборат ҳаракатлар мажмуидир.

Тез-тез такрорланиб турувчи давомли йўтал нафас аъзоларининг бирорта касаллиги (баъзан юрак, жигар хасталиклари) ҳақида далолат беради. Ифодаланишига қараб 2 хил йўтал — қуруқ ҳамда ҳўл йўтал тафовут этилади.

Қуруқ йўтал ангинада, нафас йўлларининг вирусли инфекцияларида, бронхит ёки пневмониянинг бошланғич даврида кузатилади.

Йўталнинг тез-тез, қисқа-қисқа бўлиши кўпроқ ўпка силига хосдир.

Қуруқ йўтални янгилигида тўхтатишга ҳаракат қилиш керак, чунки касалликнинг биринчи, иккинчи кунларида бронх найи ва ўпкага ҳали балғам йиғилиб улгурмаган бўлади.

Ҳўл ёки бошқача айтганда балғамли йўтал бронх ва ўпканинг сурункали хасталикларида, ўткир бронхит ёки пневмониянинг тузалиш даврига ўтишида бўлади. Эрталаблари кучаювчи балғамли йўтал кашандаларнинг бронхитида кузатилади.

Қуруқ йўталдан фарқли ўлароқ, ҳўл йўтални ривожлантириш, уни «рағбатлантириш» керак. Чунки йиғилган балғам қанчалик тез чиқариб ташланса, бемор аҳволи шунчалик тез енгиллашади. Тўхтатиб қўйилган йўтал сабабли туриб қолган балғам нафас етишмовчилиги синдромига олиб келиши мумкин.

Одамга йўтал азоб берса, унда қуйида баён этилган содда, хонаки ва ниҳоятда беозор амаллардан фойдаланиш мумкин.

* * *

***Йўтални қолдирувчи воситаларга қайноқ сутга бир қошиқ сариёғ эритиб ичиш ёхуд сутни ичимлик нутрун (сода) билан (бир пиёла сутга ярим чой қошиқ нисбатида) истеъмол қилиш томоқни юмшатиб, йўтални қолдиришга, балғамни осонлик билан кўчиришга мойиллик яратади.***

* * *

Шивит уруғларидан (укроп) тайёрланган дамлама балғамнинг енгилгина кўчишига ёрдам беради. Бунинг учун бир чой қошиқ миқдоридаги шивит уруғи ярим чойнак қайноқ сув билан дамланади. Дамлама ўз тафти билан совугач, дока орқали сузилиб, ош қошиқ билан кунига уч-тўрт маҳал ичилади.

* * *

***Арпабодиён меваси уруғидан тайёрланадиган дамлама қуруқ йўтални қолдириши билан бирга, юқори нафас йўлларининг шамоллаши, шунингдек қизамиқ каби касалликларга эмлик қилиб, дардни енгиллаштиради. Арпабодиён меваларидан уй шароитида дамлама тайёрлаш учун бир чой қошиқ ўсимлик меваси бир стакан қайноқ сувга солинади ва бир соат давомида дамлаб қўйилади. Дамлама совиганидан сўнг сузилиб, шарбати ажратиб олинади. Шарбат учга бўлиниб, кун давомида ичилади.***

* * *

Сархил оқбош карамнинг шарбати шакар билан биргаликда балғам кўчирувчи омил сифатида ишлатилади. Бунинг учун шакарли карам шарбати чой қошиқда кунига бир неча бор ичиб турилади. Карамнинг асал билан қайнатмаси нафас йўли касалликларида ижобий натижасини кўрсатади.

* * *

***Йўтални нок қоқиси асосида тайёрланадиган қайнатма билан ҳам ҳоли этиш мумкин. Бунинг учун 100г. миқдорида нок қоқиси 500 мл. сув билан 15 минут қайнатилгач, унинг шарбати илиқ ҳолида ичиб турилади.***

* * *

Олма асосида тайёрланадиган қайнатма ёки дамлама шамоллаш билан боғлиқ бўлган йўталга малҳамлик қилиб юмшатади, товушини хириллашдан ҳоли этади. Балғам кўчиши қийин бўлган йўтални турпли компресс билан юмшатиш мумкин. Бунинг учун турп қирғичдан ўтказилиб, суви сиқиб олинади, уни тана ҳароратигача илитилади ва дока матога шимдириб олиб тўш устига 15-20 минутга қўйилади. Ушбу усул болаларда самара билан қўлланилиши мумкин. Амални кунора, ётишдан аввал қилган маъқул.

■ **Маҳамаджон САЛИМОВ, шифокор**

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

# ҚИЛИНГАНМИ, Ё?

## экспертиза шубҳали бўлиб чиқди

ёзма гувоҳликлари бир жойда бирлашади — **«марҳум реанимациядан олиб чиқилди. Қишлоққа келганимизда тонг ёришган эди».** Ака-ука Холмирзаевлар эса масжидга боришаётган бўлишган.

Мен бу вазиятларни бежиз келтирмаяпман. **«Поп туман суд-тиббий экспертиза бўлими мурдаларни қайд қилиш китоби»**да марҳум Отабоев Комилжон 22 август соат 8.00 — 9.00 да кўрилди, деб ёзиб қўйилган. Экспертиза қилинган вақтни ўзимча чамалаб кўрдим: эрталаб соат 9.00 ёз ойида салкам туш бўлади. Улар айтаётган вақт эса тонгги 5.00— 6.00 ларга, яъни тонг вақтига тўғри келади.

Қизиқ, нега гап икки хил чиқяпти? Бу одамлар менинг экспертиза вақтига қизиқаётганлигимни ҳатто билганлари ҳам йўқ. Экспертизада қайд соат 8.00 дан 9.00 гача эканлигини билишмайди. Экспертиза эса расмий идора. У алдаши мумкин эмас. Энди ҳамма нарсани агар қайд қилинган бўлса, қишлоқ «тез ёрдам» бўлимидаги журнал аниқлаб бериши мумкин.

Қишлоқ «тез ёрдам» бўлимидаги журналда қайд қилинган вақтни айнан келтираман:

«Поп М.Ш. реанимация бўлимидан. Отабоев Комилжон ўлган. Олиб келинди — Обидова.

Жўнаган соати — 5. 05

Келган соати — 6.00»

Ҳамшира Г. Обидова ўз ёзувларини яна бир бор тасдиқлади. Ҳатто жонлаштириш бўлимининг қаватини ҳам эслай олди: «Мен жасадни учинчи қаватдан олиб тушганман».

Журналдаги вақт оддий фуқаролар кўрсатаётган вақтнинг айнан ўзидир.

Яна бир қизиқ факт: терговчи Б. Мирзаҳмедов суд тиббий-экспертизаси ўтказилсин, деб 22 август куни қарор чиқаряпти. Марҳумнинг жони 22 август тонгги 3.55 да узилган. Терговчи ўз қарорини тонгги соат 4.00 ларда чиқармаса керак? Қолаверса, жасад жонлантириш бўлимида қоида бўйича камида 2 соат ётиши зарур. Демак, бу соат 6.00 ларга тўғри келади. Бу вақтда жасад қишлоқда эди. Йиғи-сиғи бошланганди. Суд-тиббий экспертизаси ўша куни иш вақтини соат 8.00 дан бошлаган. Бу вақтда гўрковлар ишни аллақачон бошлаб юборган, қишлоқ имоми Қ. Холмирзаевга хабар етган эди. Экспертиза журналида ёзилишича, экспертиза 9.00 да тугалланган. Бу пайтда марҳум хонадонига

3

ярим қишлоқ йиғилиб бўлган эди. Хуллас, юқоридаги ҳолатлар жуда чалкаш ва воқеликка тўғри келмайди.

Юқоридагиларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, жасад экспертиза қилинмаган. Бунга бир қишлоқ аҳолиси гувоҳ бўлиши мумкин. Энг оддий, ишончли гувоҳ — «**қишлоқ шифохонаси «тез ёрдам» бўлими чақирикларни қабул қилиш журнали»**даги 22-варақдир.

Унда терговчи қарори ва экспертиза хулосаси қаердан пайдо бўлди?

**1-вариант:** Ўша куни жонлантириш бўлимида врач А. Қулматов навбатчилик қилган. Авария ҳолатлари бўйича одам ўлса албатта ўликхонага экспертиза учун юборилиши шарт. Лекин марҳум Отабоев К жасади ўликхонага эмас, уйига бериб юборилган ва терговчи номигагина қарор чиқарган, суд-тиббий эксперти касаллик тарихига қараб номига журнал тўлдирган. Терговчи билан экспертнинг бунга монеълик қилмаганлигини тушунса бўлади. Жароҳатлар ҳолати авария ҳолатига мос. Рулда Комилжон деб ўртоқлари айтиб турибди. Ҳатто бунга Отабоевлар ҳам ишонади. Демак, ўзгача даъволар бўлиши мумкин эмас. Яъни, ишни тезроқ тугатса бўлади. Фақат расмиятчилик қолган, холос.

**2-вариант:** Терговчи Б.Мирзаҳмедов экспертиза ўтказилмаганлигидан бехабар бўлиши ҳам мумкин. Врач А. Қулматов эксперт Ш. Саттаров билан ўзаро келишиб ўтказилмаган экспертизани журналга ўтказилди деб расмийлаштиришган. Чунки терговчининг экспертиза ўтказилсин, деган қарори экспертизага юборилган эди. Агар Ш. Саттаров жасад ўликхонада йўқ деса, А. Қулматовнинг бу ҳаракати жиноят деб баҳоланади. Қолаверса, бу иш бўйича тергов давом этяпти.

Ҳар икки ҳолатда ҳам барибир битта хатоликка йўл қўйилган: жасадни олиб кетиш учун «тез ёрдам» машинасида ҳамшира билан келинганди. Улар ўз ҳужжатларида ҳақиқий ҳолатни акс эттириб қўйишлари мумкин-ку!

Қизиғи, терговчи Б. Мирзаҳмедовнинг иши икки бор «брак» деб топилган. Поп туман прокурори В. Раҳимбоевнинг 20 сентябрдаги қўшимча терговга юбориш ҳақидаги қарорини айтдик. Чуст туманлараро прокурори Ф. Т. Бойзоқов айблов хулосасини тасдиқламай 01.10.1998 йилда ишни яна қўшимча терговга юборади. Яна қизиғи, терговчи ҳар икки қарорда кўрсатилган ноаниқлик ҳолатларини кейинги тергов жараёнида аниқлашга деярли киришмаган. Хусусан, Ф. Бойзоқов, Ғозиев Комилжон, Шокиров Қаҳрамонларнинг тан жароҳати олганликлари, уларга қаерда тиббий ёрдам кўрсатилганлигини аниқлаш, бу ҳақдаги ҳужжатларни талаб қилиб олиб, уларга нисбатан судга оид тиббий-экспертиза хулосасини олиш лозимлигини кўрсатган. Терговчи буларни аниқлашга уринмаган шекилли, иш материалларида қўшимча асосли бирор-бир маълумотга

4

кўзимиз тушмади. Ваҳоланки, Ғозиев Комилжон ўз кўргазмасида Ғурумсаройдаги касалхонада ҳам, Попдаги касалхонада ҳам ётганини айтади. Унинг ёнида Қаҳрамон ҳам бирга эди. Улар Ғурумсаройдаги касалхонадан ўша куниёқ Поп марказий шифохонасининг травматология бўлимига олиб борилади. Тонггача улар бу ерда бўлади. Лекин, қайд қилиш журналида фақат Ортиқов Баҳромнинггина фамилияси бор. Айтишларича, иккалови нимагадир тезда шифохонадан олиб кетилган.

Ортиқов Баҳромнинг жароҳатига суд-тиббий эксперти Ш. Саттаров «6 кундан ортиқ, 21 кундан ошмайдиган вақтинчалик соғлигини бузилишига сабабчи бўлади» деб хулоса берган бўлса-да, 25 август куни (яъни келганининг тўртинчи куни) врач Эркин Жумаев «аҳволи яхшиланди, бемор стационарда ётишдан бош тортди» деб унга жавоб беради. Баҳром эса «мен уйга қўлтиқтаёқ билан жавоб бергани учун келганман» дейди. Уччала гувоҳнинг шифохонада кўпроқ ётмаслигидан манфаатдор томон бўлганки, улардан иккаласи қайд қилдирилмаган, бирига тезда жавоб бериб юборилган. Шокиров Қаҳрамоннинг уйда даволанганлиги ҳақида ҳам гаплар бор. Қизиқ, терговчи нега бу ҳолатлар тўғрисида лом-мим демайди, жим туради?

Учинчи бор эса ниҳоят иш судгача етиб борди.

Суд экспертиза хулосаси ва машинани кўздан кечириш баённомаси орқали ҳукм чиқарганини айтиб ўтдик. Чунки гувоҳларнинг кўргазмаси ҳар хил бўлган: Ортиқов Баҳром рулда Қаҳрамон эди деса, Шокиров Қаҳрамон мен эмас, Отабоев Комилжон эди деган. Ғозиев Комил эса аввал рулда Қаҳрамон эди, кейин мен ухлаб қолганман, уёғини билмаймандан нарига ўтмаган. Суд фақат жароҳат ҳолати билан машина ҳолатининг мос келиши мантиғига эътибор бермасдан, машина олди ўриндиғида қон излари ёки марҳумнинг бирор нарсаси топилмаганлигини ҳам суриштириши лозим эди. Ахир чап болдир синса, кўкрак қафас эзилиб, қулоқ чаккалари шилинса ва орқа мияда жароҳат бўлса бирор из машинада қолмаслиги мумкин эмас. Суд яна нега, «Тико» ўша куни ДАНга эмас, эгаси Эргашев Олимжоннинг уйига (Шокиров Қаҳрамоннинг амакиси) олиб бориб қўйилганлиги билан қизиқмаган. Қолаверса, гувоҳлар ва жабрланувчининг кўргазмаларида чалкашликларни аниқлаш суднинг вазифасига кирмайдими? Воқеа бўйича учала гувоҳнинг кўргазмаси эса уч хил?

20 ёшни ҳопичлаб кетган Комилжон учун энди ҳақиқатнинг кераги йўқ. Ҳақиқат унинг яқинларига керак. Етим қолган қизчасига керак. Ўғлига куя-куя онаси вафот этди. Мен борганимда Комилжоннинг отаси ҳамда опаси касал эди.

Наманган вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари бу масала ҳақида ўз хулосаларини айтадилар, деб умид қиламиз.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

5

